

Жиноят иши: № [REDACTED]
Маърузачи судья: [REDACTED]

Биринчи инстанцияда ишни кўришда
раислик қилган судья: [REDACTED]

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ СУДИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ А Ж Р И М И

2025 йил август ойининг 26 куни, Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья [REDACTED], судлов ҳайъати судьялари [REDACTED] иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси М.Бакдурдиевнинг котиблигида, тарафлардан Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори Г.Ўразбаева, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси, адвокат С.Рузметовларнинг иштирокида, [REDACTED] оид жиноят ишини судланувчи С.Яқубовнинг ҳимоячиси, адвокат С.Рузметов томонидан келтирилган апелляция шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Қўшқўпир туман судининг 2025 йил 17 июлдаги ҳукмига кўра:

[REDACTED]
2004 йил 8 май куни Хоразм вилояти, Урганч туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, уйланмаган, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, ишсиз, [REDACTED]

[REDACTED] 2025 йил 5 февраль куни процессуал тартибида ушланиб, 2025 йил 7 февралдан “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва суд ҳукми нусхаларини қонунда белгиланган муддатда олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 1-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил 4 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони 2025 йил 05 февраль кунидан умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи [REDACTED] 2025 йил 21 январь куни соат 21-00 ларда таниши 2002 йил 17 июнь куни [REDACTED] билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Хоразм вилоят ИИБ тезкор ходимлари томонидан Урганч шаҳар худудида гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний равишда муомала қилувчи шахсларни аниқлаш мақсадида ўтказилган тадбир жараёнида, тезкор тадбирга жалб қилинган махсус харидор У.Тохиров билан унинг [REDACTED]

[REDACTED] қоғозига ўралган кўнғир



рангли, ўзига хос хидли, пластиксимон ҳолдаги соф вазни [REDACTED] озгинадан кўпроқ миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф [REDACTED] сотиб ўтказган.

Суднинг ҳукмидан норози бўлиб, судланувчи [REDACTED] ҳимоячиси, [REDACTED] томонидан апелляция тартибида келтирилган шикоятда, биринчи инстанция суди томонидан иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмасдан [REDACTED] ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланиш ҳақида ҳукм чиқарилгани, чунки жиноят ишида [REDACTED] таниши [REDACTED] билан биргаликда махсус харидор [REDACTED] 0,34 грамм озгинадан кўпроқ миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини сотганлигини тасдиқловчи далил йўқлиги, фақат [REDACTED] ўзи махсус харидор [REDACTED] гиёҳвандлик воситасини сотгани, шу сабабли ЖКнинг 23-моддаси талабларидан келиб чиқиб, суд ҳукмининг ўзгартириб, [REDACTED] жиноий ҳаракатларини ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” бандидан ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмига қайта малакалаб, [REDACTED] нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья [REDACTED] маърузасини, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси, адвокат [REDACTED] шикоятни тўлиқ қаноатлантириш ҳақидаги, прокурор Г.Ўразбаеванинг шикоятни қисман қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, келтирилган шикоятдаги важларни жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, апелляция шикоятини қисман қаноатлантириб, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.

Судланувчи [REDACTED] суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг биринчи инстанция судида айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳлар [REDACTED], [REDACTED] суддаги кўрсатувлари, шунингдек, жиноят ишида мавжуд бўлган ва биринчи инстанция судида ўқиб эшиттирилиб муҳокама қилинган билдиргилар, [REDACTED] ёнларини кўздан кечириш ҳамда ашёвий далилни олиш тўғрисидаги баённомалар, аризалар, кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш тўғрисида баённомалар, ашёвий далил деб топиш тўғрисидаги қарор, [REDACTED] суд-кимёвий экспертиза хулосалари ва уларга илова қилинган фотосуратлар ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа бир қатор объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган.

Судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан, судланувчи [REDACTED] кўп бўлмаган миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан судланувчи [REDACTED] ҳаракатлари, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан озгинадан кўпроқ миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси



ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавfli қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

23-моддаси 3-қисмида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги;

26-моддасида, суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши;

82-моддасида, шахсни айблаш ва ҳукм қилиш учун жиноят объекти, жиноят тўфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши кераклиги;

ЖПКнинг 455-моддасида, суд ҳукми фақат суд мажлисида текширилган далиллар билан асослаши, 463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган ҳолатларни текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида, озгинадан кўпроқ миқдорда гиёҳвандлик воситаларини ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” бандида эса, ушбу қилмиш бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир қилинган бўлса жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 4-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир



далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги, судланувчининг айбдорлиги (айбсизлиги) тўғрисидаги суднинг хулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нафақат кўрсатилиши балки, суд томонидан нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослантилган бўлиши лозимлиги, ҳукмда судланувчининг жиноий ҳаракатларини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган далилларга асосланганда, суд уларнинг мазмунини ёритиши ва тегишли баҳо бериши лозимлиги;

5-бандида, судларнинг эътибори ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши, судлар ҳукм ЖПК нинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асослантилган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги, суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкинлиги ҳақида;

Олий Суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан юқорида қайд қилинган ЖК, ЖПК талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларга риоя қилинмаган деб ҳисоблайди..

Хусусан, судлов ҳайъати, биринчи инстанция судининг судланувчи [REDACTED] 2025 йил 21 январь куни соат 21-00 ларда таниши [REDACTED] билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, тезкор тадбирга жалб қилинган махсус харидор [REDACTED] 0.34 грамм озгинадан кўпроқ миқдордаги “ташиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда 600.000 сўмга сотиб ўтказганлиги ҳақидаги хулосаси билан келишмайди.

Чунки, судланувчи [REDACTED] дастлабки тергов ва судда, 2025 йил 21 январь куни соат 20-00 ларда уйида ўтирганида, таниши [REDACTED]



кўнғироқ қилиб, гашиш” гиёҳвандлик воситасини топиб беришини илтимос қилганини, кейин таниши [REDACTED] кўнғироқ қилиб, ўзига “гашиш” гиёҳвандлик воситасини топиб беришини илтимос қилганини айтганини, кейин у ўзида борлигини, агарда унинг олдига борса шу келишилган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини беришини айтганини, кейин [REDACTED] билан телефонда гаплашганида, унга [REDACTED] олдида турганини, ўша ерга келишини айтганини, кейин шу ерга борганини, унинг автомашинасига ўтириб, [REDACTED] жами 600.000 сўм пулларни олганини, У.Тохировдан пулларни олиб, кутиб туришини ва “гашиш” гиёҳвандлик воситасини олиб, ўзи хабар қилишини айтиб кетганини, [REDACTED] олдига борганида, таниши [REDACTED] ўзининг автомашинасида уни кутиб ўтирганини, унинг автомашинаси орқа салонига ўтирганини [REDACTED] билан кўришгач, [REDACTED] олган 600.000 сўм пулдан жами 500.000 сўм пулларни берганини, қолган 100.000 сўм пулларни такси пули деб ўзида олиб қолганини, [REDACTED] пулларни олиб, ёнидан бир бўлак фолга қоғозига ўралган ҳолдаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини берганини ва ушбу “гашиш” гиёҳвандлик воситасини олиб, унинг ичини очиб озгина қисмини кейинчалик ўзи истеъмол қилиши учун олиб, ўзи ишлатиб келаётган “Iphone” русумли телефон апаратининг орқасига қўйганини ва [REDACTED] автомашинасидан тушиб кетганини, сўнг [REDACTED] кўнғироқ қилиб, ундан қаерда эканини сўраганида у турган жойини айтганини ва унинг олдига бориб, бошқарувида бўлган [REDACTED] автомашинаси салонига ўтирганини ва [REDACTED] олган бир бўлак фолга қоғозига ўралган ҳолдаги гашиш гиёҳвандлик воситасини берганини ва унинг автомашинаси салонидан тушиб кетганини, сўнг такси автомашинаси олдига бораётганида, олдига бир нечта фуқаролик кийимида бўлган шахслар келиб, улар хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, ўзларини ИИБ ходимлари эканликларини айтиб, гиёҳвандлик воситасини олди-сотди қилиб келаётгани юзасидан тезкор тадбир ўтказилаётганини айтиб, ўзини таништиришини сўрашганини, уларга ўзини таништириб, кейин ўша ерда турган холис шахслар иштирокида ёнларини кўздан кечиришларини айтишганини, ундан ёнида тақиқланган нарса ва буюмлар бор ёки йўқлигини сўрашганида, уларга ёнида тақиқланган нарса ва буюмлар йўқлигини билдирганини, шунга кўра тезкор ходимлар томонидан ёнлари кўздан кечирилганида, эғнида кийиб юрган шимининг орқа томон чўнтагидан 1 дона 100.000 сўмлик купюрадаги пул борлиги аниқланиб, ушбу пулни баённомадаги пулларнинг серия ва рақамлари билан солиштириб кўришганида, бир хилда эканлиги аниқланганини, ушбу 100.000 сўм пул тегишли тартибда ИИБга қайтариб олинганини, сўнг ушбу ҳолатни ҳужжатлаштириб олиш учун барча иштирокчилар билан ИИБ биносига боришганини, ИИБ биносига кирилганидан сўнг ундан ҳужжатлаштириб олинган бир дона 100.000 сўмлик купюрадаги пулларни нима мақсадда олганини ва ким билан нима олди-берди қилгани такрор сўралганида, уларга бўлган ҳолатни айтиб берганини, ИИБ ходимлари ишлатиб юрган “Iphone” русумли телефон апаратини олиб орқа ғилофини очиб кўришганида, унинг орқасида “гашиш” гиёҳвандлик воситасини озгина қисми борлигини билишганини, кейин вилоят ИИБ



биносиди ушбу ҳолатни яна кўздан кечириб ҳужжатлаштириб олишларини айтишганини ва ҳолислар иштирокида кўздан кечирилиб, ушбу “гашиш” гиёҳвандлик воситаси ҳам текшириб кўришлик учун олинганини, “Iphone” русумли телефон аппарати орқа ғилофидан аниқланган бир бўлак гашиш гиёҳвандлик воситаси [REDACTED] берган бир бўлак “гашиш” гиёҳвандлик воситасидан ажратиб кейинчалик ўзи истеъмол қилиши учун деб олиб қолган қисми эканини, [REDACTED] сотган ва ёнидан аниқланган бир бўлак “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўша куни бошқа бир [REDACTED] 500.000 сўмга сотиб олганини, ҳеч кимга гиёҳвандлик воситасини чектирмаганини ва бирон кимга гиёҳвандлик воситасини ўтказмаганини, [REDACTED] гиёҳвандлик воситасини ўзи истеъмол қилишини айтиб сотиб олганини баён қилиб бир хил кўрсатувлар бериб келган.

Гувоҳ [REDACTED] апелляция инстанцияси судида, 7-8 йилдан буён [REDACTED] танишини, биргаликда айрим жойларда ишлашганини, [REDACTED] гиёҳванд модда олганини, шундан кейин уни изига ИИБ ходимлари тушишганини, [REDACTED] билан мурожаат қилганини, аризада [REDACTED] гиёҳвандлик моддаси олди-сотдиси билан шуғулланиб юрганлиги ҳақида ариза ёзганини [REDACTED] гиёҳвандлик моддасини сотиб олиш учун ИИБ ходимлари томонидан баённома асосида унга берилган 600.000 сўм миқдорида рақамланган пулларни берганини, [REDACTED] гиёҳвандлик моддасини ўзи олиб келиб беришини айтганини, унга гиёҳвандлик моддасини Урганч шаҳрида жойлашган футбол ўйини бўладиган стадион ёнига олиб келиб берганини, гиёҳвандлик моддаси сариқ рангда эканини, қандай турдаги гиёҳвандлик моддаси эканини билмаслигини, унга [REDACTED] “гиёҳвандлик моддасини олди-сотдида юрибман” деб айтганини, [REDACTED] унга гиёҳвандлик моддасини олиб келиб берганини, кимдан олиб келиб берганини айтмаганини, лекин ИИБ ходимлари [REDACTED] ушлаган вақтида [REDACTED] исмли шахсдан олганини айтганини, ўзини “[REDACTED]” русумли автомашинаси борлигини, [REDACTED] ИИБ ходимлари ушлаб ёнларини кўздан кечиришган вақтида у иштирок қилмаганини, лекин шу ерда ИИБ ходимларининг машинасида ўтирганини, [REDACTED] шахс кўшниси бўлишини, уни ҳам танишини, [REDACTED] бошқа номи эканини, таниши [REDACTED] орқали гиёҳвандлик моддасига кириб кетганини, [REDACTED] олдиндан ундай нарсалар билан шуғулланмаганини, бирга айрим жойларда ишлашганини, [REDACTED] гиёҳвандлик моддасини кайфи қандай бўлишини сўраганини, унга рақамланган пулларни вилоят ИИБнинг эски биносиди беришганини, пулларни бериш жараёнида видеотасвирга олишганини, унга берилган 600.000 сўм миқдоридаги пуллар расмга олиниб, унга берилганини, 2 нафар шахслар ҳолис сифатида қатнашганини баён қилиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида иштирокини таъминлашни имкони бўлмаган айбланувчи [REDACTED] дастлабки терговга қадар текширув даврида Хоразм вилояти ИИБ бошлиғи номига берган тушунтиришида, 2025 йил 21 январь куни соат тахминан 20-00 ларда унга олдиндан таниш бўлган [REDACTED] исмли таниши [REDACTED] телефон рақамидан кўнғироқ қилиб, истеъмол қилиши учун “гашиш” гиёҳвандлик моддаси кераклигини ва ёнида



500.000 сўм пули борлигини айтгани, шундан сўнг мен унга бир соат ичида

давлат рақам белгили “Спарк” русумли автомашинасида борганини, машинага ўтиргани, шундан сўнг ўзи унга 500.000 сўм пул эвазига ялтироқ рангли фальга қоғозга ўралган бир бўлак ўткир ҳидли “гашиш” гиёҳванд моддасини берганини, кейин яна ўзи билан Миллий банк томонга ҳаракатланиб кетганини, кейинчалик орадан бироз вақт ўтиб, соат тахминан 21-44 ларда таниши кўнғироқ қилиб, яна 100.000 сўм пуллик “гашиш” гиёҳванд моддаси кераклигини айтгани, кейин ўзи унга ярим соат ичида телефон қилишини айтганини, орадан вақт ўтиб, яна кўнғироқ қилганини, ўзи унга ёнида йўқлигини, ўзи 20 минут ичида хабарлашини айтганини, шундан сўнг ҳаракатланиб, томонга айланиб, кирганида, ИИБ ЙПХ ходимлари хизмат автомашинасида орқа томондан келиб, олдига ўтиб тўхтагани ва ҳужжатларини сўраганини, кейин фуқаролик кийимида ИИБ ходимлари келиб, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб ўзларини таништиришгани ва ёнидаги холисларни ҳам таништиришганини, шундан сўнг у ҳам ўзини таништирганини, ИИБ ходимлари унга гиёҳванд воситаси олди-сотдисиди гумонланувчи тариқасида олдига келганликларини айтишиб, холислар иштирокида уни ёнларини текширишганини, ёнларини кўздан кечириш пайтида, эғнидаги жакетини чап чўнтагидаги пулларнинг ичида 2 та 100.000 сўмлик жами 200.000 сўм пулда ИИБ ходимлари томонидан берилган пуллар билан солиштирганида, ушбу пуллар ИИБ ходимлари томонидан рақамланган пуллар билан бир хил эканлигини кўрганини, шундан сўнг ўзи ёнларини кўздан кечириш пайтида, ёнидан тақиқланган бошқа нарса борлиги аниқланмаганини, кейин ўзига тегишли бўлган “Спарк” русумли рақам белгили автомашинасини ичини текширишганини, автомашинасида ҳам тақиқланган бирор нарса аниқланмаганини, кейин ушбу ҳолатни ҳужжатлаштириш учун уни ИИБ биносига олиб келишганини баён қилиб кўрсатув берган.

Бундан ташқари, судланувчи 2025 йил 21 январь куни соат 21-00 ларда таниши билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, тезкор тадбирга жалб қилинган махсус харидор 0.34 грамм озгинадан кўпроқ миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда 600.000 сўмга сотиб ўтказганлиги дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида тасдиқланмаган ва апелляция инстанцияси судида ҳам ўз тасдиғини топмади.

Бундай ҳолатда, судланувчи 2025 йил 21 январь куни соат 21-00 ларда тезкор тадбирга жалб қилинган махсус

қонунга хилоф равишда 600.000 сўмга сотиб ўтказганликдаги жиноятни таниши билан биргаликда бир гуруҳ бўлиб содир қилган деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан айблаш асосиз бўлади.

Шу сабабли ҳам, судлов ҳайъати, судланувчи 2025 йил



21 январь куни соат 21-00 ларда тезкор тадбирга жалб қилинган махсус харидор [REDACTED] 0.34 грамм озгинадан кўпроқ миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда 600.000 сўмга сотиб ўтказганликда ифодаланган жиноий қилмишини ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” бандидан ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилишни лозим деб топади.

Бундан ташқари, судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан судланувчи [REDACTED] ЖКнинг 273-моддаси 1-қисми билан 3 йил, ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, унга жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил жазо тайинланиб, ЖКнинг 33-моддаси 2-қисми талаблари бузилган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси 2-қисмида, агар шахс содир этган қилмишда ушбу кодекс махсус қисми айтилган бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилиши кўрсатиб ўтилган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати, судланувчи [REDACTED] ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” банди билан қўйилган айблов, ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилинаётганлиги сабабли, унга ЖКнинг 33-моддаси 2-қисми талабидан келиб жазо тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлимида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари белгиланган бўлиб, 20-модданинг 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

шу кодекснинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги;

шу кодекснинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

шу кодекснинг 54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши мумкинлиги;



шу кодекснинг ЖКнинг 55-моддасида, жазо тайинлашда суд ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида; 37-бандида, ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 489-моддасида, жиноят кодекси умумий қисми моддаларининг талаблари бузилганлиги жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилиши ҳисобланиши;

Ушбу кодекснинг 485-моддаси 1-қисми 4-бандида, жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилиши апелляция, кассация ва тафтиш тартибида ҳукми, ажримни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати, [REDACTED] оид суд ҳукмини ўзгартириб, унга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, унинг айбига иқрорлиги, қилмишдан чин кўнгилдан пушаймондалиги, оилавий ва моддий аҳволи, уйланмагани, илгари судланмагани, яшаш жойидан ижобий тавсифномага эга эканини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва



ижтимоий хавфлилик даражаси, гиёҳвандлик воситасининг тури ва миқдорини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб у ҳозирда айбли деб топилаётган ЖКнинг 273-моддаси 2-қисми санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ миқдорда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

Шунингдек, судлов ҳайъати, юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб, суд ҳукмидаги, [REDACTED] нисбатан ЖКнинг 273-моддаси 1-қисми билан айбли деб топиш ва жазо тайинлаш ҳамда ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қисмини чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 485, 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Қўшқўпир туман судининг 2025 йил 17 июлдаги [REDACTED]

[REDACTED] ўғлининг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми “б” бандидан ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилинсин.

[REDACTED] ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва ушбу модда билан унга нисбатан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Суд ҳукмидаги, [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 1-қисми билан айбли деб топиш ва жазо тайинлаш ҳамда ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлаш қисми чиқарилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция тартибида келтирилган шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрим устидан тарафлар Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят (протест) бериши мумкин.

Раислик қилувчи (имзо) [REDACTED]

Ҳайъат судьялари (имзо) [REDACTED]

(имзо) [REDACTED]

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”
Вилоят суди судьяси [REDACTED]

